

Уламолар ташрифи Қашқадарёда давом этяпти



21:00 / 05.08.2021 119022

Юртимизнинг таниқли уламолари Қашқадарё вилоятидаги сафарлари давомида эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиб, ҳадиси шарифда айтилганидек, кишиларнинг қалбига шодлик киритмоқдалар.

Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Иброҳим домла Иномов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим бошлиғи Эрдон домла Эсоновлар ташриф давомида Қашқадарёдаги эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиб, ширин сўз, диний-маърифий китоблар тўплами ва «Вақф» фондининг ёрдам пуллари ва ҳадялар билан кўнгилларини кўтардилар.

Шунингдек, Дин ишлари бўйича қўмита раиси биринчи ўринбосари Музаффар Комилов бошчилигидаги уламолар ҳам эҳтиёжманд оилалар кўнглини яхши сўзлар билан кўтардилар, уларга «Шамсуддинхон Бобохонов» нашриёт матбаа уйида чоп этилган диний-маърифий китоблар тўплamlари ва «Вақф» хайрия жамоат фондининг ёрдам пулларини ҳадя қилдилар.

Тошкент шаҳар «Убай ибн Каъб» масжиди имом-хатиби Абдуҳаким домла Матқуловнинг Қарши шаҳридаги марказий «Кўк гумбаз» жоме масжидига ҳамда Чироқчи тумани марказида қайта қурилаётган «Абу Бурхониддин» жоме масжидидаги қурилиш ишлари билан яқиндан танишиб, ташкилотчилар, ҳомийлар, хизматчи ва ҳашарчилар ҳақиға хайрли дуолар

қилдилар.

Бундан ташқари алоҳида ишчи гуруҳ аъзолари юртимиз бўйлаб сафар қилиб, аёллар муаммоларини ўрганмоқда, улар билан дилдан суҳбатлашиб, кекса, ёлғиз опа-сингилларимиз ҳолидан хабар олмоқда.

Айни кунларда улар Сурхондарё вилоятида бўлишиб, Сарийосиё ва Олтинсой туманларида отинойилар билан турли тадбирларни ўтказишмоқда.

Дин ишлари бўйича қўмита бош мутахассиси Омила Арипова, Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти Гавҳар Фузаилова, Ўзбекистон мусулмонлари идораси хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим мутахассиси Марям Абдуллаева ва бошқалар Сарийосиё туманидаги «Биллур» маҳалласида яшовчи 102 ёшли онахон Холпошша Дарвешованинг хонадонига бориб, унинг ҳолидан хабар олишди.

Шунингдек, маҳаллаларнинг фаол аёллари иштирокида хотин-қизларнинг жамиятда ва оиладаги ўрни ҳақида турли давра суҳбатлари бўляпти. Бундай учрашувларда бир қатор муаммолар, айниқса, қизлар тарбияси, онанинг саломатлиги каби масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков Чироқчи туманидаги «Кўктош ота» жоме масжидида пешин намозидан сўнг долзарб мавзуда гўзал маъруза қилиб бердилар. Юртимизда диний-маърифий соҳадаги сўнги янгиликлар ҳақида жамоатни хабардор қилдилар. Намозхонларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.











